


Бекітемін
«Шыпан» жалпы орта мектебі
директоры
_____ Р.Абенов

Келісемін
Қалалық білім бөлімінің
әдістемелік кабинет меңгерушісі
_____ А.У.Батырбекова

Тексерілді
Қалалық білім бөлімінің
бастауыш сыныптар
бойынша әдіскері
_____ Д.Есенқараева

“Алифбе” байрамы



*1-«Б» сынып жетекшісі
Абдуллаева Я*

*Түркістан
2012-2013 оқу жылы*

Алифбе

Ўқитувчи: Қалбимиз тўла оташин калом,
Қўлимиз кўксимиз узра қўйилган.
Зиё масканнинг аҳли номидан,
Азиз меҳмонларга деймиз, ассалом!
Ассалом, меҳрибон муниса оналар,
Фарзандин суйгувчи ширин жон қадар,
Оила сардори, сарбон оталар.

Олтин кузнинг биринчи кунда қувонч билан илм масканига қадам қўйган болажонларимиз бугун кумуш қишн қўйнида “Алифбе” сабоқларидан қониб, диллари яшнаб, бўйлари ўсиб орзиқиб кутган “Саводхонлик муборақ!” тантанамизга хуш келибсизлар!!!

Аввало сизларни яқиндагина нишонлаган Қозоғистон Мустақиллигининг - 21 йиллик тўйи билан табриклаб, яна кириб келаётган Янги йил байрами билан қутлаб, жисмингизни соғлик-саломатлик, қалбингизни эса, имон-эътиқод, меҳр-оқибат тарк этмасин дея, келажагимиз бўлган, жажжи болажонларимизни, яна шу билан биргаликда бундан 11-йил муқаддам шу даргоҳда “Алифбе” тўйини тўйлаган 11-“Б” синф ўқувчиларини даврага таклиф этимиз.

Муסיқа садолари билан болалар даврага кириб келишади. Гимн ижро этилади.

Нарғиза: Ассалому алейкум бугунги байрамга йиғилган ота – оналари, устозлар сизларни бугунги “Алифбе” байрами ва яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан 1-“Б” синф ўқувчилари номидан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Гуллардан, нурлардан жамулжам,
Синфимиз номидан ассалом!
Ассалом, хуш айём, хуш байрам!
Ота-оналар, сизларга ассалом!

Сарвиноз: (Қозоқча саломлашиш)

Насиба: (Русча саломлашиш)

Юлдуз: Бугун бизда қувонч, катта тўй. Бугунги бизнинг қувончимизда чек йўқ. Чунки биринчи бор саводимизни очган энг яқин дўстимиз алифбе билан хайрлашамиз.

Ўқитувчи: Бу байрам сабабкори

Билимлар пойдевори
Қани Алифбе ўзи
Алифбени чақиринг
Баравар қарсак чалинг

Ҳамма: Алифбежон кела қол
Олқишлаймиз қулоқ сол.

Алифбе: Хуш келибсиз, азизлар,
Бугунги тантанага.
Қилайлик биз сархисоб,

Савод чиқардик мана.
Салом, жажжи болалар,
Гул-у, райхон-лолалар!
Қутлуғ бўлсин, саводхонлик!
Қутлуғ бўлсин, байрам шодлик!

Ҳамма: Раҳмат «Алифбе» сизга,
Билим бердингиз бизга.

Дияс: Алифбе бизга ишон
Берган билимларингни
Ширинсўз тилларингни
Қиламиз биз намаён

Б.Севинч: Чиндан кадрдон булдинг.
Сен алифбе китобим
Кузга гуе нур бердинг
Чарақлаган офтобим.

Дилшод: А дан Ҳ гача сендан,
Ўқиб бўлдим билағон.
Сенга дилдан ташаккур,
Унутмайман ҳеч қачон.

Р.Насиба: Китобни биз сақлаймиз,
Тоза ва йиртмай.
Доғ тегизмай бетига,
Ўқиймиз ғижим қилмай.

Алифбе: Қани, унда айтингиз

Менинг биринчи саҳифаларимда кимлар билан танишдингиз ва нималарни ўргандингиз.

Болалар: Юртбошимиз насихатлари ва байроқ, герб билан танишдик.

Ўқитувчи: Болалар биз яқинда давлатимизнинг неча йиллик тўйини нишонлаб ўтказдик?

Болалар: 21 йиллик тўйини нишонладик

Ўқитувчи: 1991 йилдан 2011 йилгача давлатимизда бўлаётган ўзгаришларни тинглаймиз.

Алифбе: Қани, айтингчи, Гамлет сен ўргандинг нимани?

Гамлет: Чизиқлар чизишни,
Ўқишни ва ёзишни.
Алифбеда турар саф
Турар 35 та ҳарф

Алифбе: Болли эй дилли поклар,
Фан билимга чакқонлар.
Миннатдорман сизлардан,
Бахтли ўғил, қизлардан.
Яна савол қалайсиз?
Қай товушлар биласиз?

З.Насиба. Товушлар унли, ундош

Бири кўзу, бири қош
Унлилар 10 та ҳарф
Бари тетик, лўнда ҳарф
Ундошлардир қолгани,
Улар ҳам бўлинади.

Алифбе: Ие, билмасвой келяпти. Нима гап?

Билмасвой: Ойим ўқи – ўқи деявергач, уйдан қочиб кетвудим, адашиб қолдим.

Алифбе: Ўқишни биласанми ўзи?

Билмасвой: чала – чулпа.

Алифбе: Яхши иш қилмапсан, биз сенга бугун кўп нарсалар ўргатамиз. Болалар, Билмасвойга ёрдам берамизми?

Ҳамма: -Албатта?

Дилшод: -Билмасвой сумкангда нима бор?

Билмасвой: Сиёҳ томган кир китоб,
Қийшайган, синган ручка.
Чала ёзилган дафтар,
Ғижимланган бир варақ.
Бир чеккада қотган нон,
Қурт, писта бор бодом.

Алифбе: Бўлмаса диққат билан эшит ва билиб ол. Фарзанд учун суянч ким?

Ияс: Отажоним осмонимсиз
Толеимсиз ва бахтим
Асл инсон ва аҳдим.
Отажон сизга таъзим.

Наргиз: Қиёси йўқ инсон кимдир оламда?

Дилшод: Онажоним олқишлайман
Номинг куйга соламан
Аллаларинг қулоғимда
Сени жондан севаман.

Мухлиса: “Онажоним” сиз гулзоримсиз,
Сиз қуёшнинг нурисиз.
Оқ сут билан жон берган,
Ер юзининг дурисиз.

Шохрух: Улуғларнинг улуғи,
Онажоним ўзингиз.
Кийинтирган, тўйдирган,
Қувонтирган, кулдирган.
Элга меҳр қўйдирган,
Онажоним ўзингиз.

Насиба: Монолог

Ўқитувчи: Қани Дилноз қизим, сен айтчи. Дунёда энг улуғ инсон ким экан?

Р.Дилноза: Улуғ ким отангдай
Улуғдир ким онангдай

Дилноза: У - Улуғсиз сиз, муаллим,
С - Сабирлисиз муаллим.
Т - Табарруксиз сиз доим,
О - Оқил, одил, олмоссиз,
З - Заковатдан бергувчи таълим.

Наргиза: Кечалари ухламай,
Кўз нурини сочингиз.
Биз каби шогирдларга,
Билим нурин сочингиз.
Ўқитувчим деб эркалаб,
Қўлларимдан етаклаб.
Бердингиз бизга таълим,
Раҳмат устоз муаллим.

Ашула: Ўқитувчимиз.

Ўйин:

Юлдуз: Мана, азиз ўртоқлар. Билмасвой биздан кўп нарсалар ўрганди.
Энди, биздай яхши ўқишга, одобли бўлишга ҳаракат қилади.

Ўқитувчи: Недур билимлар кони,
Тарбиянинг макони, қаср?

Ҳамма: Мактаб.

Хор: үйретеді

Дилшод: Сен тарбия конисан,
Таълимнинг маконисан.
Илмни севган дилнинг,
Шарафисан – шонисан.
Жонажоним мактабим,
Онажоним – мактабим.

Собиржон: Мектебiң мынау класың
Осында он жыл тўрасың
Тарыдай болып кіресің
Таудай болып шығасың

Ашула; Мактабим

Ўқитувчи: Капалак севар гулини,
Тоғ эчкиси тоғини.
Боларилар болини
Сизлар севасиз қаерни?

Ҳамма: Қозоғистонни

Рамазан: Боғлар ичра бир бўстон,
Гуллар ичра Гулистон.
Севиб яшаймиз ҳар он,
Биз сени - Қозоғистон.

Қодиржон: Ватанимнинг тўрида,
Сариарқанинг ерида.
Туғ ушлаган Астанам,

- Менинг пойтахт бошпанам.
- Дилноза:** Мактаганда булбул,
Сайраб чаманин,
Мен не учун мактамай ,
Она Ватаним.
Қучоғингда туғилиб,
Яйрадим, ўсдим.
У билан тўқисдир.
Йўқ каму- кўстим.
- Ўқитувчи:** Раҳмат болажонларим,
Раҳмат сизларга.
Билимдон ҳам билағон,
Топқир экансиз қойил.
Кўрдим, сизни болажон,
Билимга сизни болажон,
Саводхонлик байрами,
Синовидан ўтдингиз
Энди навбат сизларга
33 та товушга
Сўзласангиз бирма-бир
Бирин-кетин тикиб кўз.
Ҳарфлар айтмоқ истар сўз,
Товушлар тилга кирсин.
- Юлдуз:** А - Айиқ асал ялади,
Асал ари талади.
- Собиржон:** Б - Балиқ деди, эй бақа,
Берайми сенга чақа.
- Севинч:** В - Варрак учар ҳаволаб,
Вали кулар воҳолаб.
- Рамазан :** Г - Горилла деган маймун,
Гугурт ўйнабди бир кун.
- Доно:** Д - Денгизчи бўлайдеб Даврон,
Дадасин қолдириб хайрон.
- Сардор:** Е - Елканли кема елар,
Еллардан ўзиб келар
- Насиба:** Ё - Ёмғир-ёмғир ёға қол,
Ёй камалак чиқа қол.
- Ҳасан:** Ж - Жўжа билан жиблажибон
Жуда жўра жонажон
- Б.Динора:** З - Зоғча золдир топибди,
Зарғалдоққа чопибди.
- Хусан:** И - Илхом ишком ичида,
Ингичка илон кўрди.
Илон қочди инига,

- Илхом кетди йўлида.
- Сарвиноз:** Й - Йўлбарснинг тўни йўл-йўл,
Йўлиқсанг эҳтиёт бўл.
- Қодир :** К - Ка-кулаб дерди какку,
Кўкламга ин керакку.
- Севинч:** Л - Лайлак келса тулкивой,
Ликопчада берди чой.
- Дилшод:** М - Мошвой нима ялайсан
Музқаймоққа қалайсан.
- Наргиза:** Н - Ниначи хой, ниначи,
Ноғорага ўйначи.
- Гамлет:** О – Окқуш кўлда сузади,
Оппоқ бўйнин чўзади.
- Мухлиса:** П – Пашша совқотди жуда,
Пайпоғи йўқ эдида.
- Шохрух:** Р – Раъно опам раққоса
Рақсни боблар роса.
- Дилноза:** С – Саъва саҳар сайрайди,
Салқин боғда яйради.
- Диёс:** Т – Тошбақа тош оталмас,
Тошини ташлаб қочолмас.
- Диена:** У – Узум берайми узиб,
Узумни эккан ўзим.
- Илиёс :** Ф – Фил фантанда чўмилди,
Фақат ярми кўмилди.
- Р.Насиба:** Х – Хўроз хонанда бўлди,
Хўтиқ созанда бўлди.
- Диёс:** Ш – Шер узун шеър тўкиди,
Шариллатиб ўкиди.
- Ҳасан:** Ч – Чумоли чигирткани,
Чақирди чой ичгани.
- Қодиржон:** Э – Эчки деди улоққа,
Энди кетма узоққа.
- Сардор :** Ю – Югуриб юмронқозик,
Ўзига излар озиқ.
- Динора:** Я – Яшин кўкда ярақлар,
Янги чироқ чарақлар.
- Доно:** Ў – Ўргимчак, хой ўргимчак,
Тўқишни ўргатгин жиндақ.
- Рамазан:** Қ – Қалт-қалт қалтирар куён,
Қўрққани шундан аён.
- Мухлиса:** Ғ – Ғала-ғовир бошланди,
Ғозлар донга ташланди.
- Собиржон:** Ҳ – Ҳакка келар ҳаккалаб

Ҳай-ҳай қўйманг яккалаб

Ўқитувчи: Алифбе билан бирга қандай фанларни ўрганяпмиз?

Ўқувчи: Математика, ўз-ўзини таниш, дунётаниш, қозоқ тили, меҳнат ва тасвирий санъат фанлари билан танишдик.

Ўқитувчи: Ундай бўлса, болалар, даврага математика китобини таклиф этамиз.

Математика: Сизлар ахил болалар,
Гўё қизил лолалар.
Не дейсизлар баъзилар,
Берсам сизга саволлар.
Элда бор шундай нақл
Ҳисоб ақл қайроғи.
Тинглаб сонлар сўзини,
Бўлингиз чин ўртоғи.
Рақамлар тилга кирсин.

Диена: 0 – Жуда ҳам кучли эмасман,
Ўйлагандек баъзилар.
Ўтсам сонлар ортига,
Кучим яққол сезилар.

Б.Севинч: 1 – Нолдан кейин тураман,
Чизғичинга қараб боқ.
Сонлар ичра доимо,
Биринчиман эй ўртоқ.

Илёс: 2 – Қоматимни кўрганлар,
Қиёс этар оққушга.
Мендан тир-тир титрайди,
Ихлоси йўқ ўқишга.

Гамлет: 3 – Билимингни баҳолаб,
Ноилож қониқаман.
Қачон ўтар тўртга деб,
Кўз тутиб толиқаман.

Эр. Доно: 4 – Тўнтарилган стулга,
Ўхшайди кўринишим.
Отим яхши тўртга ҳарф,
Беш менинг яқин дўстим.

Сардор: 5 – Рассом чизар ўхшатиб,
Юк кўтаргич илмоққа.
Мен муаллим совғаси,
Билимдон ҳар ўртоққа.

Бал. Динора: 6 – Копток мисол қорнимни,
Соябонга оламан.
1,2,3 ўзимча,
Тенг бўлина оламан.

Усенова Севинч: 7 – Пешонамда соябон,

Боғлаганман белимни.
Ўхшатиб ёзманг бирга,
Ўзгартириб номини.

Мухлиса: 8 – Энг мустаҳкам занжирдай,
Қўшҳалқаман мустаҳкам.
Ўзгармас қиймат шаклим,
Тўнқариб кўрсангиз ҳам.

Хусан: 9 - Шаклим ўхшар вергулга,
Олтига қариндошман.
Бир хонали сонларга,
Ҳозирданқарвонбошман.

Хасан: 10 – Қўшни бўлиб кўпайдим,
Ўн ҳиссага 1 ва 0
Ҳисоблаймиз, санаймиз,
Бериб доим кўлга-кўл.

Математика: Жуда яхши азиз ўқувчилар мени тоза сақлаб, яхши ўқинглар. Агар мени севиб ўқисангизларқизиқарли мисол ва масалалар еча оламиз.

Ҳамма: Қунт билан ўқиймиз.

Алифбе: Мени доим тоза тутган,
Ширин- шакар болалар.
Фан калитин кўлга олган,
Ақли роса доналар,
Хайрлашаман сизга айтай,
“Савод таълими”туҳфа.
Тоза тутинг худди мендай,
Билим булсин мустаҳкам.

Насиба: Сиз биринчи китобсиз,
“Алифбе”сиз - офтобсиз.
Турфа билимларга бой,
Мақол, матал, топишмоқ,
Тез айтишлар айтган жой.

Дилноза: Меҳрингиз жўшқин дарё,
Қалбингиз чексиз дунё.
Сўзингиз гавҳар аъло,
Сизга минг таъзим.
Азиз “Алифбе китобим”.

Гамлет: Хайр Алифбем,
Тугатдим сени,
Харфни танишга .
Ургатдинг мени!
Энди харфларни,
Қўшиб ўқийман.
Ҳар бир китобни,

Жўшиб ўқийман.

Сарвиноз: Бир куни фанда,
Довруғ соламан.
Сени ўшанда, эсга оламан.

Севинч: Сен билан топдим,
Нурни, зиёни.
Сени билмай ким,
Танир дунёни.

Болалар: Хайр, Алифбе, раҳмат Алифбе.
Алифбе китоби чиқиб кетади.
Савод таълими кириб келади.

Насиба: Савод таълими салом!
Сенгадир ширин калом.

Савод таълими: Бахтли авлод болажонлар,
Сизга дилдан ассалом.
Илмга чанқоқ укажонлар,
Сизга чексиз эҳтиром.
Шу бугундан киришамиз,
Сиз билан бўламиз дўст-иноқ.
Ака-сингил тутинамиз,
Вақтларимиз бўлсин чоқ.
Кўп ҳикоя шеърларим бор,
Ўқиб бўлинг билимдон.

Ўқитувчи: Азиз ота-оналар фарзандларингиз “Бўғирсоқ” эртагини намойиш этади, томоша қилинг.

Юлдуз: Доим тайёр дарсимиз,
Йўқдир асло қарзимиз.
Ютуқлардан нишона,
Қўшиғимиз маршимиз.
Ҳоҳ ўқишда, ҳоҳ ишда,
Барча мусобақада.
Қолмагаймиз орқада.

Савод таълими: Ватанни жондан севувчи,
Мард ўғил-қизларсиз.
Айтинг қандай қонунга,
Амалиёт қиларсизлар?

Дилшод: Ватан ишига ҳар доим,
Ҳозир – нозир турамиз.

Иляс: Мактабимизни гуллатиб яшнатамиз.

Шохрух: Мустақил Қозоғистонни юксалтириш учун аъло баҳоларга ўқиймиз.

Ҳусан: Ҳақиқий Ватанпарвар инсон бўлиб етишамиз.

Сардор: Одобли ва ростгўй бола бўламиз.

Савод таълими: Шундай экан гул бўлиб очилаверинг,

Бунинг учун эса кўпгина ўқийверинг.

Ўқитувчи: Болалар негадир Қорбобомиз кечикяпти, қани биргаликда чақириб кўрайликчи.

Ҳамма: Қорбобо-жон Қорбобо,
Кела қолингжон бобо.
Қорбобо киради.

Шеърлар

Илёс: Арчамиз қаранг мана,
Безанибди шоҳона.
Ойдан кулиб чарақлаб,
Безаклари ярақлаб.

Юлдуз: Дўстликдадир куч-ғайрат,
Дўстликда бахт-саодат.
Қорбобожон, Қорбобо.
Омон бўлсин доимо.

Хусан: Қорбобо қайда ўзи?
Ўрмонми, ойда ўзи?
Арчаси келиб кўрса,
Чироғин ёқиб берса.

Диёна: Олийҳиммат Қорбобо,
Сизга раҳмат, Нурбобо.
Дўстларим янги йилда,
Янги орзулар дилда.

Ўқитувчи: Ҳурматли азиз ота-оналар, сизлар жажжи болажонларнинг санъатини, маҳоратини, билимини, эпчилликларининг гувоҳи бўлдингизлар. Энди уларнинг келажакдаги орзусини эшитинг.

Сиз катта бўлганингизда ким бўласиз?

Ўқитувчи: Эй менинг, жажжигина,
Беғубор қалбли болам.
Қутлуғ бўлсин сизларга,
Қўшалок қувноқ байрам.
Билимлар мамлақати,
Сизларни кутиб олгай.
Неки бор қалб кўрида,
Барини бериб солгай.
Ота-она ва устоз,
Дуоси сизга ҳамроҳ.
Она -ватан нон тузин,
Оқлагайсиз сиз ҳар чок.
Балли кўзичоқларим,
Кўзлари мунчоқларим.

Хор: Тинчлик иштаймиз.
Навбат бадий қисмга.